

831 - وَعَنْ يَعْيِشَ بْنِ طِحْفَةَ الْغِفارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ أَبِي: «بَيْنَمَا أَنَا مُضْطَجِعٌ فِي الْمَسْجِدِ عَلَى بَطْنِي إِذَا رَجُلٌ يُخْرِكُنِي بِرِجْلِهِ فَقَالَ: «إِنَّ هَذِهِ ضِجْعَةً يُعِظُّهَا اللَّهُ» قَالَ: فَنَظَرْتُ، فَإِذَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَوَاهُ أَبُو دَاؤدَ يَإِسْنَادِ صَحِيحٍ . [5040]

831. Яъиш ибн Тихфа ал-Фифорий розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

Абу Довуднинг саҳиҳ исноғ билан қилган ривоятлари.

Шарх: Ҳадисдан маълум бўладики, юзтубан ётиш мўмин-мусулмонлик одобига зид экан. Бундай ётишнинг уйқуга ҳам, саломатликка ҳам зарари борлиги маълум. Аллоҳ таоло хуш кўрмайдиган бундай ётишдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам қайтарган эканлар.

Абу Умомадан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда юзтубан ухлаб ётган бир кишининг олдидан ўтаётib, уни оёқлари билан туртиб: «Тур, бу - жаҳаннамий ётиш», - дедилар».

Бу ҳадис аввалги ҳадиснинг маъносини такрорлаб келган. Бу тарзда ётиш шариатимизда дуруст эмас экан, бунга ўрганиб, одат қилиб қолганлар уни дарҳол тарк қилишлари лозим ва лобуддир (Имом Бухорий «Ал-адаб Ал-Муфрад» китобининг шархи).

Сомнология (нейробиологиянинг тушларни ўрганувчи тармоғи) бўйича мутахассислари, одамлар ётиш ҳолати уларнинг тушларга таъсир қилишини аниқлашди.

Тадқиқотларда аниқланишича, қоринда ухлаётган одамлар кўпинча ёмон туш ёки уятсиз мазмундаги шайтоний тушларни кўрар экан.

Мутахассисларнинг айтишича, қоринда ухлаётган инсон нафас олиш йўллари қийинлашиш ҳисобига мудҳиш суратлар ёки шайтоний-бешарм саҳналар пайдо бўлар экан.

Лекин уламолар: “Қорнида оғриқ бўлган инсон оғриқни енгиллатиши мақсадида қорнига ётса жоиз”, дейишган.

Манба: hadis.islom.uz

